
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

UZBEK COMMODITY EXCHANGE

ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИ



ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА БИРЖА МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА (№ПҚ-430, 24.11.2022й.)


- Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишда уларни бир вақтнинг ўзида биржа тизимида аккредитациядан ўтказиш тартиби жорий этилиши;

- Хорижий етказиб берувчилар томонидан давлат харидлари тизимида иштирок этиш учун мажбурий тартибда электрон рақамли имзо олиш талаби бекор қилиниши;

- Тадбиркорлик субъектларининг юқори ликвидли ва монопол бўлмаган маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотиш учун истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиши;

- Тадбиркорлик субъектларига, ўз хоҳишига кўра, биржадан ташқари тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг тизими орқали кафолатли ҳисоб-китоб хизматидан фойдаланиш имконияти яратилиши;

- Маҳсулотларни «форвард» битимлари асосида сотиш тартиби биржа савдолари орқали тузиладиган экспорт-импорт шартномаларига нисбатан ҳам қўлланилиши белгиланди.



ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА (ВМ №687, 30.03.2020й.)

- Товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари, шу жумладан, фьючерс савдолари билан шуғулланадиган брокерлик идораларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда биржа аъзоларига малака талабларини белгилаш тўғрисидаги низом;
- Биржа савдоларида нархлар манипуляцияси, ички (инсайдерлик) маълумотлардан фойдаланиш ва асоссиз даромад олишнинг рақобатга зид бошқа усулларидан фойдаланишнинг олдини олиш қоидалари;
- Товар-хом ашё биржаларининг электрон савдо тизимларига қўйиладиган умумий талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2018 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ МОНОПОЛИСТ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ФАҚАТ БИРЖА САВДОСИ ОРҚАЛИ БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА СОТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ



1. Автомобиль бензини
2. Экстракция бензини
3. Дизель ёқилғиси
4. Техник керосин
5. Полипропилен
6. Полиэтилен
7. Поливинилхлорид (ПВХ)
8. Формалин
9. Техник олтингугурт
10. Кўмир
11. Минерал ўғитлар
12. Кальцийланган сода
13. Мис катоди
14. Мис катанкаси
15. Иккиламчи алюминий
16. Қора металлар прокати
17. Метал рух
18. Цемент*
19. Цемент клинкери
20. Қурилиш ойнаси
21. Шакар
22. Арпа
23. Буғдой









24. Этил спирти*
25. Пахта линти*
26. Пахта толаси*
27. Ўсимлик ёғи (пахта)*
28. Экстракция ёғи (пахта)*
29. Пахта чигити шелухаси*
30. Пахта чигити шроти*
31. Пахта техник чигити*
32. Барда
33. Металл лист прокати*
34. Буғдой уни
35. Техник мой
36. Ўчоқ ёқилғиси
37. Омухта ем
38. Ёқиш мазути
39. Суюлтирилган газ
40. Хўжалик совуни
41. Нефть эриткичи
42. Нефть парафини
43. Нефть битуми
44. Нефть кокси
45. Синтетик нафта
46. Мис купороси

47. Кумуш
48. Пўлат шар
49. Суюқ углерод оксиди
50. Техник кислород
51. Каустик сода

Нефть

Газ конденсати







24.11.2022 йилдаги **ПҚ-430**-сонли қарорининг 2-бандига асосан, юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар сони 51 тага етказилди ва 3-бандига асосан монополияга қарши орган нархлар кескин тебраниши даврида биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари, мавжуд имконият ва захираларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланиши устидан назорат олиб бориши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли қарорига Товар хом-ашё биржаси фаолиятини лицензиялаш паспорти илова сифатида киритилиб, лицензия талаблари ва шартлари белгиланди. Жумладан, унда қуйидаги асосий шартлар мавжуд:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, маълумотларни қайта ишлаш бўйича замонавий марказга эга бўлган ва Товар-хом ашё биржаларининг электрон савдо тизимларига қўйиладиган умумий талаблар тўғрисидаги низомда назарда тутилган талабларга жавоб берадиган ҳамда уларга асосан ишлаб турган электрон биржа савдо тизимининг мавжудлиги;
- Лицензиатнинг раҳбари бўлиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси;
- Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;
- Биржа савдоси қоидалари мавжудлиги;
- Лицензияловчи орган талабига кўра товар-хом ашё биржаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотни, шу жумладан, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда шахсий кабинет орқали биржа товарларининг қўйилиши, сотилиши ва ҳисоб-китоб-клиринг палатаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш. Бунда ваколатли органга биржа савдолари жараёнларини онлайн назорат қилиш имконини яратиш;

БИРЖА САВДОСИ ҚОИДАЛАРИДА:

- биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;
- биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби;
- биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишга рухсат бериш тартиби;
- биржа савдоларида муомалада бўладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) тавсифи;
- биржада нархларнинг шаклланиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;
- биржа савдолари қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар;
- ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚК тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар;



2022 ЙИЛДА БИРЖА САВДОЛАРИГА ОИД АНИҚЛАНГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

2022 йилда жами 190 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 261 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Жумладан:

- 30 та ҳолатда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилмасдан тўғридан-тўри шартнома орқали реализация қилинган;
- 28 та ҳолатда маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш жадвалларини тақдим этилмаган ва биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилмаган;
- 17 та ҳолатда битимлар асоссиз равишда жарималарсиз бекор қилинган;
- 186 та ҳолатда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар биржа савдоларига қўйиш жадвалларига номувофиқ қўйилган ёки белгиланган миқдордан кам қўйилган ва (ёки) умуман қўйилмаган.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!

